

ҚАЙТАЛАНУВЧИ ОДДИЙ ГЕРПЕС ИНФЕКЦИЯСИНИ КОМПЛЕКС ЛАБОРАТОР-МОЛЕКУЛЯР ТЕКШИРИШ ЁНДАШУВИНИНГ АСОСЛАНИШИ

Хамидова Н.Қ.

*Бухоро давлат тиббиёт
институтини, Бухоро, Ўзбекистон*

Долзарблиги. Қайталанувчи оддий герпес инфекциясида (ҚОГИ) кечишнинг оғирлиги вирусологик фаоллик, иммунологик реактивлик ва наслий мойиллик омилларининг ўзаро таъсирида шаклланади. Ушбу уч қатламни алоҳида-алоҳида ўрганиш тўлиқ манзара бермайди, чунки улар ўртасидаги боғлиқлик аниқланмай қолади.

Мақсад. ҚОГИ да вирусологик, иммунологик ва молекуляр-генетик кўрсаткичларни бир вақтда баҳолашга мўлжалланган комплекс лаборатор текшириш ёндашувини асослаш.

Материал ва усуллар. Барча 240 нафар текширилувчида беш йўналиш бўйича лаборатор текширув бажарилди. Намуналар кодланган ҳолда лабораторияга топширилди; лаборатория ходимлари текширилувчининг қайси гуруҳга мансублиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлмади.

Умумклиник блокда умумий қон ва сийдик таҳлиллари бажарилди. Вирусологик блокда вирус ДНК юкламаси реал вақт режимидаги полимераза занжир реакцияси (ПЗР) орқали миқдорий аниқланиб, натижалар $\log_{10}$ нусха/мл бирлигида ифодаланди. Серологик блокда анти-HSV IgM ва IgG антитаналари ҳамда IgG авидлик индекси иммунофермент таҳлил (ИФА) усулида баҳоланди; авидлик индекси 40% дан паст бўлганда бирламчи, 60% дан юқори бўлганда узок муддатли инфекция деб талқин қилинди.

Иммунологик блокда зардобдаги IFN- γ , IL-6, IL-10 ва IL-18 миқдори ИФА усулида аниқланди. Мутлақ қийматлар билан бир қаторда ҳисоблаб чиқилган нисбий кўрсаткичлар — IFN- γ /IL-10 нисбати (Th1/Th2 мутаносиблигининг интеграл кўрсаткичи) ва IL-18/IFN- γ нисбати (IFN- γ индукциясининг самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткич) ҳам таҳлил қилинди.

Молекуляр-генетик блокда IFNG генининг rs2430561 (+874 A/T) ва IL18 генининг rs187238 (−137 G/C) полиморфизмлари аллелга специфик амплификация усулида генотипланди. Ушбу полиморфизмларнинг танланиши шу билан асосланадики, IFNG гени IFN- γ ишлаб чиқарилишининг асосий детерминанти, IL18 гени эса унинг индукциясида етакчи ўрин тутади — демак, улар ўрганилаётган цитокинлар профилининг наслий асосини ташкил этади.

Натижалар. Комплекс ёндашув ҚОГИ ни тўрт даражада бир вақтда баҳолаш имконини берди. Вирусологик блок вируснинг репликатив фаоллигини микдорий ўлчади, серологик блок инфекциянинг фазасини верификация қилди, иммунологик блок иммун жавобнинг йўналишини аниқлади, молекуляр-генетик блок эса цитокинлар профилидаги ўзгаришларнинг наслий асосини очиқ берди.

Сифат назорати мақсадида намуналарнинг тасодифий тартибда танланган 10% и мустақил равишда қайта генотипланди; такрорий натижаларнинг мослиги 100% ни ташкил этиши талаб қилинди. Аллеллар ва генотиплар тақсимотининг Харди–Вайнберг мувозанатига мослиги χ^2 мезони ёрдамида ҳар бир гуруҳ учун алоҳида текширилди.

Хулоса. Таклиф этилаётган комплекс лаборатор-молекуляр текшириш ёндашуви вирусологик, иммунологик ва наслий омилларни ягона таҳлил доирасида бирлаштириш имконини беради. Ушбу ёндашув генотип–фенотип ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва рецидивловчи кечишнинг кўп қатламли табиатини тавсифлаш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.